

## ШАҲАР ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ МОНИТОРИНГИ

*Шеркўзиева Г.Ф., Тошпўлатов Б.,  
Бахриддинова М.Н.,  
Абдурашидова Д., Пўлатова Н  
Тошкент тиббиёт академияси., Тошкент*

**Аннотация.** Республикамизда ўтказилаган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни бўйича текширишлар, шуни кўрсатадики гидролиз, суперфосфат, лак бўёқ заводлари ва Чирчиқ шаҳри электр кимё корхонаси ифлослантирувчи манбалар ичида энг асосийлари ҳисобланади. . Кузатув йилидаги барча ойларида намуналар олиниб лаборатория текширишлардан ўтказилди, ҳар текширув ойида гигиеник талабларга жавоб бермайдиган намуналар аниқланди аммо энг кўп гигиеник талабларга мос келган намуналар апрел (8,3% ) ва феврал ойларида (11,1%) ташкил этди.


**Калит сўзлари.** атмосфера, антропоген, глобаллашув, гигиена, меъёр, ифлосланиш, саломатлик

**Долзарблиги.** Глобаллашув ва интеграция даврда саноат ишлаб чиқариш, электр энергияси моторли транспорт воситаларидан фойдаланишни тез суъратларда мисилсиз ривожланиб бориши натижасида аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосининг санитария муҳофаза қилиш муаммолари ўткир тус олиб бормокда. Ривожланган шаҳарлар ва саноат марказларининг атмосфера ҳавоси доимо чанг, тутун ва туманлар билан қопланиб туради . Бу эса ўз навбатида аҳоли саломатлигига ва санитария турмуш шарт шароитларига, ҳамда ҳавонинг тоза софлигига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда атмосфера ифлосланишининг 75% табиий манбаларга ва 25% антропоген манбаларга тўғри келади. Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида урбанизация жараёни ривожланган сари унинг салбий экологик оқибатлари тобора кўпайиб бормокда ва аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатмоқда. Буни, биринчи навбатда, шаҳар атрибутларининг инсон соғлигига ноқулай таъсирида кўриш мумкин. Глобал масштабда олиб қараганда, шаҳар аҳолисининг ўртача умр кечириши қишлоқда яшовчиларга кўра етти йилга қисқалиги фикримиз исботидир. Маълумотларга кўра кейинги йилларда Республикадаги саноат корхоналари томонидан атмосферага 150дан ортиқ ифлословчи бирикмалар чиқарилади[5]. Асосан олтингугурт кўшуксиди, углеводородлар ва қаттиқ бирикмалар ҳисобланади. Атмосферага чиқариладиган бирикмаларнинг 90% га яқини асосий экологик «ифлос» ишлаб чиқариш жойлашган Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Бухоро, Навоий ва Сирдарё вилоятларининг корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. . Шаҳарларда транспорт воситаларининг кўпаяётганлиги баробарида улардан

атроф-муҳитга ташланаётган зарарли ва заҳарли газлар сифат ва миқдор жиҳатдан кўпайиб бормокда[2,4,6]. Йирик шаҳарларда автомобиллардан ҳавога 95% углерод оксиди, 65% атрофида углеводлар ва 30% азот оксидлари ташланади. Бундан ташқари, ҳавога кўпгина канцероген моддалар бензол, формальдегид, бензапирен, бензоан - троцен, ацетальдегид, шунингдек кўрғошин ва бошқа оғир металлар чиқарилади. Агар ҳар бир автомобил йилига ўртача 10 кг резина чанги ажратишини ҳисобга оладиган бўлсак шаҳарларда бу миқдор 1,5 баробарга тенг, чунки шаҳар шароитида тез-тез тўхтаб-юриш, тезликни ўзгартириб туриш натижасида шиналар ва тормоз колодкаларининг ейилиши кўп кузатилади[1,3,5].

Республикамизда ўтказилаган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни бўйича текширишлар, шуни кўрсатадики гидролиз, суперфосфат, лак бўёқ заводлари ва Чирчиқ шаҳри электр кимё корхонаси ифлослантирувчи манбалар ичида энг асосийлари ҳисобланади. Одам бир кеча-кундузда ташқи муҳитдан 20 куб метр ҳаво олади. Унинг ўпкаси минутига 16-20 мартагача ҳаво ютиб, ҳаво чиқаради. Маълумки, одамнинг ўпкаси орқали бир минутда ўрта ҳисобда 12 литр ҳаво ўтиб туради. Бир кеча-кундузда эса 17 минг 290 литр ҳаво ўтади. Бу эса 23 килограммни ташкил этади. Демак, одам ҳавони овқатга нисбатан 4-5 баравар кўп истеъмол қилади.

**Олинган натижалар.** Ушбу мақсадларни амалга ошириш мақсадида Аҳоли яшаш жойи ҳаво бассейнининг санитария ҳолатини яхшилаш, шаҳарда амалга оширилаётган профилактик чора тадбирлари устидан назоратни кучайтириш мақсадида текширишлар олиб бордик. Аҳоли яшаш жойи атмосфера ҳавосидан 2018 йилда олинган намуналарнинг қай даражада гигиеник меъёрларга мос келиши таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди: 2018 йили ойлар бўйича умумий олинган намуналарнинг қай даражада гигиеник меъёрларга мос келиш таҳлил натижалари январ ойида умумий намуналар -13 та бўлиб, улардан -2 таси (15,3%), феврал ойида 18 та намунадан 2 таси (11,%), март ойида 13 тадан 6 таси (46,%%), апрел ойида 24 тадан 10 таси (8,3%), май ойида 16 дан 4 таси (25,0%), июн ойида 18 тадан 6 таси (33,3%), июлда 19 тадан 4 таси (21,0%), август ойида 17 тадан 6 таси (35,2%), сентябр ва октябр ойларида 12 тадан 4 таси (33,3%), ноябрда 16 тадан 4 таси (25,0%). Декабрь ойида эса 20 тадан 3 таси (15,0%) гигиеник меъёрларга мос келмаган.Энг кўп гигиеник талабларга жавоб бермаган намуналар март (46,!%) ва август ойларида (35,2%) аниқланди. Энг кўп гигиеник талабларга мос келган намуналар апрел (8,3% ) ва феврал ойларида (11,1%) ташкил этди(1-расм).



1-расм. Атмосфера ҳавоси 2018 йил гигиеник талабларга жавоб бермайдиган намуналар (ойлар бўйича )

**Хулоса.** Кузатув йилидаги барча ойларда намуналар олиниб лаборатория текширишлардан ўтказилди, ҳар текширув ойда гигиеник талабларга жавоб бермайдиган намуналар аниқланди аммо энг кўп гигиеник талабларга мос келган намуналар апрел (8,3%) ва феврал ойларида (11,1%) ташкил этди.

### Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Авалиани С. Л. Проблемы гармонизации нормативов атмосферных загрязнений и пути их решения / С. Л. Авалиани, С. М. Новиков, Т. А. Шашина [и др.] // Гигиена и санитария. – 2012. – Т. 91. – № 5. – С. 75-78.
- 2.Автоматизированная система мониторинга состояния окружающей среды / Р. А. Кантюков, Р. К. Гимранов, И. В. Рыженков [и др.] // Химическая промышленность сегодня. – 2015. – № 3. – С. 25-32.
- 3.Аманжолова Ш.А. Влияние загрязненности атмосферного воздуха на клинико-эпидемиологические особенности заболеваемости ревматизмом. Гигиена и санитария. 2004. - № 3. - С.31-34.
- 4.Атаниязова, Р.А. Влияние загрязнения атмосферного воздуха на состояние здоровья детей дошкольного возраста. Гигиена и санитария. 2008, №2. - С. 87-89.
- 5.Балабина, Н.М. Роль загрязнения атмосферного воздуха в развитии железодефицитной анемии у взрослого городского населения. Гигиена и санитария. - 2006, №6. - С. 12-14. '
- 6.Бармин, Ю.Я. Опыт реабилитации детей, проживающих на экологически неблагоприятных территориях крупного промышленного центра / Ю.Я. Бар-мин, С.А. Чеботарькова, В.В. Погудин //Гигиена и санитария. 2007, №3. - С. 56-58.